

УДК 675.016.2

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ҚУНДУЗ ХОМ-АШЁЛАРИ, ОШЛАНГАН ТЕРИЛАРИ, УЛАРНИНГ СИНФЛАНИШИ ВА ХОССАЛАРИ

М12-20-30 гуруҳи магистранти Ш.О.Бойманов

Илмий раҳбар проф. Т.Ж.Қодиров

*Мазкур мақолада қундуз ҳайвонинг туркуми, тарқалиши, келиб чиқиши, ҳаёт тарзи, шунингдек биологик фаолияти келтирилган. Тадқиқотда қундуз териларининг иқтисодий аҳамияти, белгилари, дастлабки ишлов бериш, навлаш, нуқсонлари, гарамлаш, тамглаш кўрсатилган. Ошланган қундуз териларини тавсифлари ва уларнинг мақсади келтирилган. Қундуз териларини интерполимеркомплексли ошловчи билан ишлов бериб унинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган*

*В данной статье приведены классификация, обитание, распространение, происхождение, биологическая активность нутрии. В исследовании показана экономическая значимость, значение, первичная обработка, цель, сортировка, комплектование, маркировка шкур нутрии. Приведены характеристика выделанных шкур нутрии и её целевое назначение. Определены физико-химические свойства выделанных шкур нутрий дубленые интерполимеркомплексным дубителем.*

*This article presents the classification, habitat, distribution, origin, biological activity of nutria. The study shows the economic importance, value, primary processing, purpose, sorting, picking, marking nutria skins. The characteristics of dressed nutria skins and its purpose are given. The physicochemical properties of tanned nutria pelts of tanned interpolymer complex tanning were determined.*

Қундуз (нутрия, ботқоқ бобёри) – энг катта кемирувчилар туркумига мансуб ҳайвон бўлиб, дарё, кўллар ва ботқоқликларда ҳаёт кечиради. Қундузнинг ватани – Жанубий Америкадир. Нутрия МДҲга биринчи мартаба 1930 йилда Аргентина, Германия ва Франциядан олиб келиниб, даставвал Озарбайжон, Грузия ва Арманистон акклиматизация қилиниб, ҳозирги пайтда Марказий Осиёнинг барча ҳудудларигача нафақат табиатда балки хўжаликларда ҳам кенг тарқалиб кетган.

Ўтган асрнинг охирида қундуз мўйнасининг маҳобатли ва жозибadorлиги муқобил бизнесга айланди. Хусусан, 1990-2010 йилларда жада катта оммалашиб, мода индустриясига айланди.

Қундуз – вегетариан бўлиб, ўт, илдиз, мева, сабзавот ва барча сув ўсимликларини севиб истеъмол қилади. Имконият даражасида маккажўхори, гурунч, бўғдой плантацияларини ҳам ишғол этади [1].

Қундузларнинг иштаҳаси кучли. Бир кунда ўзининг оғирлигига нисбатан 25 % озуқа истеъмол қила олади. Қундуз ёввойи табиатда 8 йилдан 10 йилгача яшаши мумкин.

Қундузларни қафасли ва ярим эркин ҳолда кўпайтирилади ва ҳозирги пайтда уларнинг қирилиб кетиши кутилмаяпти.

Қундуз қалин жун қопламали, зич ипаксимон тивит жуни ҳамда баланд, узун ва дағал қилтиқ жундан иборат.

Ўрта белига нисбатан биқин ва қорин қисмларида тивит нисбатан қуюқ. Жун қопламасининг ранги қўнғир – жигар ранг, ўрта белида биқинга нисбатан қорамтир. Тивит жигар - тўқ кул рангга эга. Тивитнинг узунлиги 3 см гача, қилтиқ жун – 6 см гача.

Селекция ишлари натижасида ок, садаф, олтин, оч жигар, кумуш, қора рангли қундузлар яратилган.

Қундуз терилари дарё бобёрларидан сийрак, хира ранг тивити ва узун, дағал қилитиқ сочи ҳамда кичик ўлчами ва думининг кўндаланг кесими доира-ғўласимонлиги билан кескин ажралиб туради [2].

Қундуз терилари ҳайвон танасининг дум қисмидан кесилиб бош қисмини сақлаган ҳолда, думсиз ҳамда олд ва орқа оёқлари ажратилиб найсимон ҳолатда тортиб тери тўқимасини ташқари қилиб, режачўпга кийдириб, қолиплаб, тегишлича тўғирлаб, шакллантириб, чучук қуритиш усулида консерваланади.

Қундуз терилари ўлчамлари бўйича жуда йирик – майдони  $2400 \text{ см}^2$  ва ундан катта (110% ҳисоб), йирик –  $2000-2400 \text{ см}^2$  (100 % ҳисоб), ўрта  $1200-2000 \text{ см}^2$  (75% ҳисоб) ва майда  $800-1200 \text{ см}^2$  (50% ҳисоб).

Жун қопламининг сифати бўйича қундуз терилари икки навга бўлинади: биринчи навга қуюқ тўла жун қопламли ялтироқ қилтиқ сочли, қалин қопламли тивит ва унинг орин қисмигача давом этиши (100 % ҳисоб);

Иккинчи навга – кам тўла жун қопламли, етарли ривожланмаган қилтиқ соч ва тивит ёки суёқ, жун қоплами сийракланиши бошланган (75% ҳисоб).

Жун қопламга қараб, қундуз терилари қуйидагиларга бўлинади:

- жигар ранг – умуртқа белини ёпиб турувчи кул рангдан тўқ жигар ранггача ёки қўнғир тусда, тивити тўқ ёки оч жигар ранггача;

- садаф ранг – йўналтирувчи сочларнинг асоси умуртқада жигар ранг ва биқин қисмлари оч ранг. Йўналтирувчи сочларнинг чўққилари оқ рангда.

- кумушсимон – терининг умуртқа қисмининг беркитувчи сочлари тўқ кул ранг; терининг биқин қисми кумушсимон оч кул ранг; тивити жигар ранг;

- оч жигар ранг - терининг умуртқа қисмининг беркитувчи сочлари тўқ жигар ранг чўққилари оч рангли; тивити оч-жигар ранг;

- тилла ранг - беркитувчи сочлари тилла рангли ёки терининг барча майдони оч тилла рангли; тивити сариқ ёки оч сарғиш тилла ранг тусда;

-оқ - беркитувчи ва тивит сочлари оқ рангда; терининг умуртқа қисмида беркитувчи сочлари қора рангда; биқин қисмлари тўқ жигар рангдан қорагача; тивити тўқ жигар рангдан тўқ кул ранггача [3].

Қундуз териларинг нуқсонлари: кескилар, йиртиқлар, тешиқлар, ётиқ сочлар, тишланмалар, доғлар, бактериал парчаланишлар, ностандарт конфигурация, терини шишишдаги, консервалаш, сақлаш даврларидаги турли туман нуқсонлар.

Ишлаб чиқариш партиялари қундуз териларининг ўлчамлари, тери тўқимасининг қалинлиги, ранги, нави ҳамда нуқсонларининг гуруҳларига биноан шакллантирилади.

Қундуз териларидан бош кийимлари, ёқа, аёллар нимчалари, пальто, пўстин. Бундан ташқари, аёллар устки кийимларини бадий безашда ҳам қўлланилади.

Қундуз терилари бош қисмини мўйнасини сақлаган ҳолда қорин қисмини ўртасидан тўғри кесилган ёки найсимон ҳолда ошланади. Мақсадига қараб ошланган терилари бўялган, сочи қирқилган, юлинган ва х.к усуллар билан пардозланади.

Ошланган ҳамда бўялган қундуз терилари ДС 12133 га мувофиқ навларга ажратилади ва қуйидагиларга бўлинади:

- соч қопламининг рангига қараб – табиий (тўқ жигар ранг, жигар ранг, садаф ранг, тилла ранг, кумуш ранг, оч сариқ, оқ) ва бўялган (турли рангдаги якраңг); юлинган (тўқ жигар ранг, жигар ранг);

- навларга биноан - I и II;

- соч қопламининг пардозлаш усулига қараб – қирқилмаган, қирқилган ва қилтиқ соч олиб ташаланиб қирқилган;

- нуқсонлар гуруҳига қараб – майда, ўрта, катта нуқсонлар ва меъёрдаги.

Мўйнанинг тери тўқимасига уч кийматли қисқартма рақамлар қўйилади: биринчи рақам – ранги, иккинчи нави, учинчиси - нуқсонлар гуруҳ. Майдони алоҳида дециметр квадратда кўрсатилади.

Маълумки, илгари маҳаллий хом-ашёлар асосида юқори ошлаш хусусиятига эга интерполикомплекс ошловчисини олиш имкониятини берувчи усули [4] яратилган эди.

Мазкур тадқиқотда кундуз териларини интерполикомплексли ошловчининг ошлаш хусусияти ўрганилди. Изанишда хромпик эритмасига, минерал сақлаган модда, акрилат полимери, натрий тузи ва қайтарувчи, қўшимча тарзда эритмага сульфат кислота, натрий тузи сифатида карбонат натрий, минерал сақлаган модда сифатида – бентонит, акрилат полимери сифатида – полиакриламид, қайтарувчи сифатида эса чарм чанги компонентлари куйидаги нисбатда ташкил топган, мас. %:

Хромпик (дихромат калий ёки натрий)....	25-35
Сульфат кислота.....	10-15
Бентонит.....	7,5- 10
Чарм чанги.....	10-12,5
Карбонат натрий.....	5-7,5
Полиакриламид.....	10-2,5
Сув.....	Қолгани

Фарқли жиҳати сульфат кислота, алюмокалийли аччиқтош ўрнига бентонит, қайтарувчи сифатида чарм корхоналарида чармларни жилвирлаш жараёнида ҳосил бўладиган чармнинг чанги қайтарувчи сифатида қўлланилган. Ошловчини синтез қилиш жараёнида реакция муҳитига "Навоиазот" ХЖ да ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти полиакриламид гель киритилади. Кейин ошловчини карбонат натрий билан нейтралланади. Интерполикомплексли ошловчининг физик-кимёвий хоссалари жадвалда келтирилган

Жадвал

Интерполикомплексли ошловчининг физик-кимёвий хоссалари

№	Физик-кимёвий кўрсаткичлар	Бирлиги	Вариантлар	
			Таҷриба	Назорат
1	Қуруқ қолдиқ	%	84-88	70-5
2	Сувда эримаслар	%	йўқ	йўқ
3	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> миқдори	%	2,7-3,2	5,5-6,4
4	Хром оксиди (Cr <sub>2</sub> O <sub>3</sub> ) миқдори	%	8,3-8,8	5,0-7,0
5	Полимер миқдори	%	15-18	10-12
6	Водород кўрсаткич (муҳит)	pH	3,8-4,2	2,8-3,2
7	Ўртача молекуляр масса	шартли	900	700

Шундай қилиб, таклиф этилган интерполикомплекс ошловчи билан ишлов берилган чармлар юқори гидротермик деструкцияга, жуда яхши физик-кимёвий ва механик кўрсаткичлар эга бўлиб, турли агрессив муҳитларга барқарор эканлиги билан фарқланади.

Хулос сифатида таъкидлаш мумкин-ки, интерполикомплекс ошловчи кундуз мўйна териларини ошлашда муваффақиятли синовдан ўтказилди. Ошланган чарм ва мўйналар жуда яхши қайишқоқ пластик хоссалари, юмшоқ, терга барқарор ҳамда кислотали ва оксидловчи бўяшда юқори температураларга чидамли.

#### Адабиётлар

1. Митренков А. М., Бузо О. Л. Ценность мяса бобра речного. Труды БГТУ, 2016, №1, с. 264–268.
2. Темирова М.И., Қодиров Т.Ж. Чарм ва мўйна технологияси Т., Турон-иқбол, 2005 й., 256 б.
3. Зорина Э.Ф., Зелева Г.М., Нагорная З.Е.. Влияние природы дубителей и воды на пластические свойства кожаной ткани меха// Омский научный вестник. № 7. 2002. – С.140-141.
4. Патент РУз. IAP 02866. Способ получения дубителя. Кодиров Т.Ж., Рузиев Р.Р. Ихтиролар, Расмий ахборотнома №5 31.10.2005.